

Ж.Ж. Эргашев
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат Бошқаруви Академияси қошидаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш институти таянч докторанти,
Тошкент, Ўзбекистон.
HRmenejment@mail.ru

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ КАДРЛАР СИЁСАТИДА ЁШЛАРНИ ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация. Ушбу илмий тезисда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёш кадрларнинг тутган ўрнини илмий-амалий жиҳатдан ёритиб берилган.

Калит сўзлар: кадрлар сиёсати, ёш кадр, ишлаб чиқариш, корхона, сифат, стратегия.

Ж.Ж. Эргашев

Институт по изучению проблем Молодёжи и подготовка перспективных кадров
при Государственной академии управления при Президенте Республики Узбекистан,
Ташкент, Узбекистан.
HRmenejment@mail.ru

РОЛЬ МОЛОДЕЖИ В КАДРОВОЙ ПОЛИТИКЕ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ И СЕРВИСНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Аннотация. В этом научном тезисе описывается роль молодых специалистов в разработке и реализации кадровой политики на производственных и сервисных предприятиях.

Ключевые слова: кадровая политика, молодой специалист, производство, предприятие, качество, стратегия.

Мамлакатимиздаги барча соҳаларда босқичма – босқич ўтказилаётган ислохотлар ва ўзгаришларнинг мазмун – моҳияти авваламбор кадрлар сиёсати, мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, бош устувор йўналишлар ва уларни янада такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир.


Бу борада айниқса юртбошимиз Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган замонавий, мамлакатнинг ташқи ва ички иқтисодиётини тушунадиган ва таҳлил эта оладиган ёш кадрларга бўлган муносабатини давлат сиёсати даражасига олиб чиқаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бунга бир қанча ижтимоий – ҳуқуқий асосларни келтириш мумкин. Булар жумласига “Ёшларга оид давлат сиёсати” тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти”ни киритиш мумкин [1].

Ёш кадр – бу 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, маҳсус билим ва кўникмага эга бўлган, замонавий фанларнинг сир-асрорлари ҳамда қонун-қоидаларини пухта эгаллаган, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлган мутахассисдир.

Кадрлар сиёсати ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда турлича бўлади ва бунга АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ҳамда “Ўзтрансгаз” АҚ мисолида кадрлар сиёсатини таҳлил қиламиз.

АТБ “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” тизимида Кадрларни бошқариш сиёсати асосини уч омил ташкил этади:

1-чизма.



Банкнинг муваффақиятли ривожланиши учун муносиб номзодни танлаш, қайта тайёрлаш, баҳо бериш ва рағбатлантириш, бошқариш, яъни мазкур жараёнларни ташкил этишнинг алоҳида усуллари, тадбирлари, дастурларидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.


Стратегик мақсад-Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим тамойилларидан бири бўлган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич ривожлантириш асосида ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”дан келиб чиқиб, меҳнат бозори ва таълимий, касбий хизматлар бозорининг потенциали(салоҳияти)ни, банкда кадрларни бошқаришнинг самарали, кўп тармоқли тизимини яратишдир. Бундан кўзда тутилган мақсад: сифат жиҳатидан янги, фаол кадрлар потенциалини шакллантириш ҳамда банк фаолиятининг самарали ишлашини таъминлашдир.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш АТБ “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” Бошқаруви томонидан тасдиқланган “Лавозимлар намунавий номенклатурасига” қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиб, кадрлар сифат таркиби янада мустаҳкамланади. Бунда, асосий бўлим мутахассисларини иқтисодий соҳада талаб этилаётган мутахассисликларга мос келиши таъминланади. Ушбу “Лавозимлар намунавий номенклатураси” Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига асосан ишлаб чиқилган. Ходимларни танлаш – бу ишга кириш юзасидан мурожаат қилган номзодлар ичидан муносиб деб ҳисобланганларини танлаб, ажратиб олишдир. Кадр танлашда унинг таржимаи ҳолига, маълумотига, меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларга, унга берилган тавсифномага ва лозим бўлганда яна бошқа қўшимча маълумотларга этибор берилади[2].

“Ўзтрансгаз” АҚда бугунги кунда республика бўйича фаолият кўрсатувчи 36402 нафар ходим хизмат қилмоқда.

Компанияда ходимлар бошқаруви бўйича кадрлар сиёсатининг асосий йўналишлари ва улрнинг моҳиятлари қуйидагилардан иборат:

2-чизма.



Ҳозирги шароитларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи ҳар қандай корхона учун долзарб ҳисобланади.

Ташкилотнинг мақсади – ишчидан бошқарувчига қадар юқори сифатли кадр вертикалини тузишдан иборат. Зеҳн – идроклилик, замонавий фикрлаш, яхши коммуникатив қобилиятларга эгалик, ўз билимини ошириш, ўз имкониятларини амалга ошириш – ёш мутахассиснинг тикланиш ва маваффақиятли ривожланиши учун зарур сифатлар ҳисобланади[3].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ёш кадрларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, улардан замонавий бошқарув самарадорлигини оширишда раҳбар сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Ёш кадрларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналаридаги ўрнини янада ошириш бўйича қуйидаги хулоса ва таклифларни санаб ўтаемиз:

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда олий таълим муассасалари ўртасидаги интеграция жараёнини янада ривожлантириш;
- олий таълим муассасаларида янги замонавий таълим йўналишларини очиш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида фаоллик кўрсатган салоҳиятли ёш кадрларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ёш кадрлар салоҳиятини ошириш учун танлов асосида чет давлатларга амалиёт ўтаб келишлари учун шароитлар яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>.

2. Қишлоқ қурилиш банк йиллик ҳисоботи материаллари. <http://qishloqqurilishbank.uz>.

С.Х. Рустомова, илмий раҳбар Н.И. Асқаров
Андижон давлат университети